

(? - 1762-йил)

(1751-1752; 2-марта – 1753-1762)

Минг сулоласидан бўлган Кўкон хони. Абдурахмон Кўконда олти ойлик хукмронлигидан сўнг хонлик тахтига ўтирган. Унинг хукмронлиги даврида (1751-1762) хонликнинг кудрати ортган. У Ўш, Ўзганни бўйсундирган. 1758-1759-йилларда эса Хитой томонидан забт этилган шаркий Туркистонга ҳам харбий юриш уюштирган. Шу тарика, Эрдона даврида Кўкон хонлиги гарбда Бухоро, шарқда Хитой билан тенгма-тенг кураш олиб бора олган давлатга айланган. У ҳам тез орада тахтдан туширилиб, унинг ўрнига Бобобек ўтказилади. Абдулкаримхон замонида Кайнар томондан калмоқлар бостириб келиб, сулх тузиб, Мухаммад Рахимхоннинг ўгли Бобобекни гаров тарикасида олиб кетган эдилар. Калмоқлар Бобобекни хонликка раво кўрадилар. У Кўконда бир йил хукмронлик килади. Бобобек Бешарикка борганда, у ерда ўлдирилади ва тахтга яна Эрдона ўтказилади.

Унинг даврида кўп урушлар бўлади, меҳнаткаш халкнинг ахволи огирлашади. Эрдона 12 йил хукмронлик килган. Ундан сўнг Кўкон хонлиги тахтига Шодибекнинг ўгли Сулаймонбек ўтказилади.

Эрдона Кўкон хонлигини ички томондан мустахкамлашга кўп урунган сиёсатчи ҳисобланади. Шунингдек у Фаргона водийсининг ўзига хос дарвозаси ҳисобланмиш Хўжандни хонлик ихтиёрига киритишга обдон ҳаракат килгани, аммо бухоролик кучлар бунга йўл кўймаганликлари маълум. Ўша замон тарихчиси таърифи билан айтганда, Эрдона замонида хонлик кудрати анча юкори кўтарилиб, водийда тинчлик ва фаровонликка эришилган. Эрдона Кўкон хонлигининг шаркида жойлашган Ўш, Ўзганд каби ерларни ҳам бўйсундиришга эришган сиёсатчилардан. У бу билан чекланмасдан, 1758-1759-йиллари Хитойнинг хукмрон сулоласи бўлмиш синлар (1664-1911) томонидан забт этилган Шаркий Туркистонда ҳам ўз сиёсатини юргизишга уриниб, у ерга харбий юришлар уюштириб турган.